



## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ

*DSc Абдурахимова Дилора Каримовна*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*ORCID: 0000-0003-1588-2686*

*[abdurahimovadilora10@gmail.com](mailto:abdurahimovadilora10@gmail.com)*

**Аннотация.** Сунъий интеллектнинг яратилиши ва иқтисодиётнинг турли соҳаларига кенг кириб келиши юқори самарадор “ақлли” технологиялар орқали сифатли тизимлар йўлга қўйилишига сабаб бўлмоқда. Аммо, уларнинг кун сайин ривожланиб янада мукамаллашиб бориши қандай оқибатларга олиб келиши маълум эмас. Мақолада халқаро консалтинг компаниялари маълумотлари асосида сунъий интеллектнинг ривожланиши ва кенг жорий этилиши молия бозорига таъсири ва унинг ривожланиб бориши натижасида истиқболи ўрганилган.

**Калит сўзлар:** сунъий интеллект, молия технологиялари, масофавий хизмат, бозор капитализацияси.

## ВЛИЯНИЕ РАЗВИТИЯ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА НА ФИНАНСОВЫЙ РЫНОК

*DSc Абдурахимова Дилора Каримовна*

*Ташкентский государственный экономический университет*

**Аннотация.** Создание искусственного интеллекта и его широкое проникновение в различные отрасли экономики обуславливают создание систем качества за счет высокоэффективных «умных» технологий. Однако неизвестно, каковы будут последствия их ежедневного развития и совершенствования. В статье на основе информации международных консалтинговых компаний рассматривается влияние развития и широкого внедрения искусственного интеллекта на финансовый рынок и его перспективы в результате его развития.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, финансовые технологии, удаленное обслуживание, рыночная капитализация.

## INFLUENCE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE TECHNOLOGIES DEVELOPMENT ON THE FINANCIAL MARKET

*DSc Abdurakhimova Dilora Karimovna*

*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** The creation of artificial intelligence and its widespread penetration into various sectors of the economy are causing the establishment of quality systems through highly efficient "smart" technologies. However, it is not known what the consequences of their daily development and perfection will be. The article examines the impact of the development and wide implementation of artificial intelligence on the financial market and its prospects as a result of its development based on information from international consulting companies.

**Keywords:** artificial intelligence, financial technology, remote service, market capitalization.

### Кириш.

Сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши молия бозорига сезиларли таъсир кўрсатади ва унинг самарадорлигини ошириш, прогнозлаш ва қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Ҳар йили ушбу технологиялар тобора оммалашиб бормоқда ва молия соҳасида кенг қўлланилади.

Бироқ, сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши шахсий маълумотларнинг махфийлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ хавотирларни ҳам келтириб чиқаради. Молиявий соҳага янги технологияларни жорий етишда ушбу жиҳатларни ҳисобга олиш ва ахборотни ҳимоя қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, сунъий интеллект технологиялари ривожланишининг молия бозорига таъсири сезиларли ва ижобийдир, аммо улардан фойдаланишда потенциал хавфларни ҳисобга олиш ва маълумотларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш муҳимдир.

### Адабиётлар шарҳи.

Сунъий интеллект тўғрисида кундалиқда тез-тез тўқнаш келиш мумкин, сабаби иқтисодийётнинг барча соҳаларида унинг имкониятларидан фаолияти самарадорлигини ошириш учун қўлланилмоқда. Шу сабабли турли иқтисодчи ва тадқиқотчилар томонидан мазкур технологияларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аммо улкан, кўпинча тушунарсиз шов-шув, рекламалар туфайли, сунъий интеллектни соҳадан ташқаридаги одамлар томонидан деярли бутунлай нотўғри тушунилади. Ҳатто сунъий интеллект бўйича мутахассислар ҳам сунъий интеллект нима эканлигини бир оз чалкаштириб юборишади (Schank, 1987). Шу сабабли сунъий интеллектнинг иқтисодийётда қўлланила бошланган даврларидан бошлаб унга тадқиқотчиларнинг таърифларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Парвани (1984) сунъий интеллектга бундай таъриф келтирган эди: “бу инсон ақл-заковати талаб қилинадиган турли вазифаларни бажариш учун ақлли машиналар ва компьютер дастурларини яратувчи фан ва технология соҳаси. Бу инсон бажарадиган турли функцияларни симуляция қилувчи тизим”. Мазкур даврда айнан компьютер дастурлаш усулларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган даврдан бошлаб сунъий интеллектга қизиқиш юқорилигини кўриш мумкин.

Прэт (1994) эса 10 йилдан сўнг “сунъий интеллект - бу билимларни намоёйиш қилиш, хулоса чиқариш, қидириш ва эвристика хусусиятларига эга технология” дея таърифлаган.

Маккарти (2007) эса сунъий интеллект кенг миқёсда кириб келиш дебочасида “сунъий интеллект - бу ақлли машиналарни, айниқса ақлли компьютер дастурларини яратиш бўйича фан ва муҳандисликдир. Бу инсон ақл-заковатини тушуниш учун компьютерлардан фойдаланишнинг ўхшаш вазифаси билан боғлиқ, аммо сунъий интеллект биологик кузатилиши мумкин бўлган усуллар билан чекланиши шарт эмас. Бунда муаллиф сунъий интеллектни инсон биологик интеллектдан фарқ қилишини тан олган ҳолда, инсон ақл-заковатини имитация қилувчи технология эканлигини таъкидламоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2007-2008 йилларда бўлган глобал инқироз молия технологияларининг шиддатли ва тезкор ривожланишига тўртки бўлди. Шу сабабли BigData, блокчейн, булутли технологиялар қатори сунъий интеллектнинг ривожланиши иқтисодийётнинг турли соҳаларида, жумладан молия соҳасида ҳам инқилобга олиб келди.

Юқори прогнозли кўрсаткичлари туфайли сунъий интеллектга асосланган тизимлар турли вазиятларда қарор қабул қилишда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда

ва компанияларга уларнинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш учун кенг имкониятларни таклиф қилмоқда (Weber, et al. 2007).

Молиявий институтлар технологик ютуқлардан, хусусан, сунъий интеллектни қўллаш орқали фойда кўрмоқда ( Goodell, Kumar, et. al. 2021).

Молия соҳасида сунъий интеллект рискларни бошқариш ва портфелларни оптималлаштириш учун ишлатилади. Корпоратив муваффақияцизлик ҳолатига ишора қилувчи рискларни бошқариш дастурининг сценарийси стандарт прогноздир. Ушбу соҳада кредит тарихи маълумотларидан фойдаланган ҳолда кредиторлар дефолт эҳтимолини башорат қилиш кўзда тутилган (Sigrist, Hirnschall, 2019).

Аммо бугунги кунга қадар сунъий интеллект имкониятлари, ундан кенг фойдаланиш оқибат ва натижаларини башоратлаш мураккаблигича қолмоқда. Унинг жуда тез ривожланиб бориши келажакда қандай имкониятларни бериши ва унинг ижобий ва салбий оқибатларини тўлиқ башоратлашга имкон бермайди.

Хусусан, ChatGPT каби янги сунъий интеллект воситалари ҳаётимизнинг кўп соҳаларида сунъий интеллектнинг бузғунчи кучини намойиш этмоқда (Hornberger, Bewersdorff, Nerdel, 2023).

Бу борада аниқ айтиш мумкинки, сунъий интеллект билан боғлиқ имкониятлар ва муаммоларни ҳал қилиш учун фуқаролар сунъий интеллект ҳақида асосий билимларни ҳамда сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантиришлари керак. Ушбу кўникмалар кўпинча сунъий интеллект саводхонлиги деб аталади (Long, Magerko, 2020).

Машина ўрганиш моделлари молия соҳаларда сунъий интеллектни қўллашга ёрдам беради. Бу, асосан, "классик" статистик моделларга нисбатан прогнозлашнинг аниқлиги бўйича уларнинг афзаллиги билан боғлиқ. Бироқ, мураккаб машина ўрганиш моделлари юқори прогнозли кўрсаткичларга эриша олса ҳам, улар ўзига хос "қора қути" табиатига эга (Giudici, Raffinetti, 2023).

Умуман олганда, барча мавжуд адабиётларни таҳлил қилган ҳолда, сунъий интеллектнинг салбий ва ижобий томонларини ўрганиш мақсадида, унинг SWOT-таҳлилини амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган SWOT-таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, молия бозорида хизматлар кўрсатиш ва хизматлардан фойдаланувчилар учун бир қатор ижобий ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, молиявий операцияларнинг тезлиги ва аниқлигини ошириш, катта ҳажмдаги маълумотлар асосида қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш, молия бозоридаги тенденцияларни башорат қилиш ва таҳлил қилиш қобилияти каби кучли томонлари билан бирга, кўп вақт ва пул талаб қилиши мумкин бўлган таснифланган маълумотлар бўйича сунъий интеллектни ўқитиш зарурати, алгоритмлар ва мавжуд маълумотлардаги чекловлар туфайли нотўғри прогнозлар ва тавсиялар бериш имконияти, жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш туфайли молиявий қарорлар устидан назоратни йўқотиш хавфи каби заиф томонлари мавжуд.

Шу билан бирга, молия соҳасида сунъий интеллектнинг аниқлиги ва башорат қилиш қобилиятини яхшилаш учун мураккаброқ машинали ўрганиш алгоритмларини ишлаб чиқиш, ишончлироқ ва хавфсизроқ молиявий тизимларни яратиш учун сунъий интеллектни блокчейн каби бошқа технологиялар билан интеграция қилиш, сунъий интеллектдан фойдаланишни молиявий натижаларнинг бошқа жиҳатларига, масалан, рискларни бошқариш ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини кенгайтириш имкониятлар қатори, сунъий интеллектга асосланган молиявий қарорларни суистеъмол қилиш ва бозор операцияларини манипуляция қилиш имконияти, сунъий интеллект тизимларидаги заифликлар туфайли махфийлик ва маълумотлар хавфсизлигини бузиш хавфи, сунъий интеллект томонидан автоматлаштириш туфайли

молия соҳасида кадрлар бўйича мутахассисларни алмаштириш ва иш жойларини йўқотиш каби таҳдидлари бўлиши мумкин.

1-жадвал

**Сунъий интеллектнинг молия бозорида қўлланилиши SWOT-таҳлили**

<b>Кучли томонлари (Strengths):</b>	<b>Заиф томонлари (Weaknesses):</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– молиявий операцияларнинг тезлиги ва аниқлигини ошириш.</li> <li>– Катта ҳажмдаги маълумотлар асосида қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш.</li> <li>– Молия бозоридаги тенденцияларни башорат қилиш ва таҳлил қилиш қобилияти.</li> <li>– молиявий қарорларни қабул қилишда инсон омили хавфини камайтириш.</li> <li>– катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали бозор тенденциялари ва рискларни прогнозлашнинг аниқлигини ошириш.</li> <li>– мижозлар маълумотларини таҳлил қилиш асосида шахсийлаштирилган инвестиция стратегияларини яратиш қобилияти.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– кўп вақт ва пул талаб қилиши мумкин бўлган таснифланган маълумотлар бўйича сунъий интеллектни ўқитиш зарурати.</li> <li>– Алгоритмлар ва мавжуд маълумотлардаги чекловлар туфайли нотўғри прогнозлар ва тавсиялар бериш имконияти.</li> <li>– Жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш туфайли молиявий қарорлар устидан назоратни йўқотиш хавфи.</li> <li>– Сунъий интеллект технологияларини жорий етиш ва қўллаб-қувватлашнинг юқори нархи.</li> <li>– Сунъий интеллект томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг шаффофлиги ва тушунтирилиши мумкин эмаслиги.</li> </ul>
<b>Имкониятлар (Opportunities):</b>	<b>Таҳдидлар (Threats):</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– Молия соҳасида сунъий интеллектнинг аниқлиги ва башорат қилиш қобилиятини яхшилаш учун мураккаброқ машинали ўрганиш алгоритмларини ишлаб чиқиш.</li> <li>– Ишончлироқ ва хавфсизроқ молиявий тизимларни яратиш учун сунъий интеллектни блокчейн каби бошқа технологиялар билан интеграция қилиш.</li> <li>– Сунъий интеллектдан фойдаланишни молиявий натижаларнинг бошқа жиҳатларига, масалан, рискларни бошқариш ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини кенгайтириш.</li> <li>– Сунъий интеллект технологиялари асосида янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш.</li> <li>– Мижозларнинг эҳтиёжларини шахсийлаштириш ва аниқроқ таҳлил қилиш орқали мижозлар тажрибасини яхшилаш.</li> <li>– Инновацион йечимлар туфайли бозорни кенгайтириш ва янги мижозларни жалб қилиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Сунъий интеллектга асосланган молиявий қарорларни суиистеъмол қилиш ва бозор операцияларини манипуляция қилиш имконияти.</li> <li>– Сунъий интеллект тизимларидаги заифликлар туфайли махфийлик ва маълумотлар хавфсизлигини бузиш хавфи.</li> <li>– Сунъий интеллект томонидан автоматлаштириш туфайли молия соҳасида кадрлар бўйича мутахассисларни алмаштириш ва иш жойларини йўқотиш таҳдиди.</li> <li>– Сунъий интеллект технологияларини жорий қилувчи бошқа молия институтларининг бозордаги кескин рақобати.</li> <li>– мумкин бўлган тартибга солиш чекловлари ва жамият томонидан молиявий секторда сунъий интеллектдан фойдаланишга нисбатан ишончсизлик.</li> <li>– Мижоз маълумотларига сизиб чиқиш ва рухсазиз кириш хавфи.</li> </ul>


Молия бозорида молиявий институтлар томонидан сунъий интеллектдан фойдаланиш самарадорлик ва рақобатбардошликни ошириш учун катта имкониятларга эга, ammo ижобий ва салбий томонларини синчковлик билан кўриб чиқиш, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган таҳдид ва чекловларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади.

### Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий абстракциялаш, тасвирий статистика, эксперт баҳолаш, гуруҳлаштириш, динамик таҳлил ва қиёслаш усулларидан фойдаланилган. Мақолада Statista, McKinsey, GlobalData, Forbes, Microsoft, IBM, Techopedia каби халқаро компаниялар расмий маълумотлари ва статистик маълумотлари ҳамда тадқиқотлари натижасида таҳлил амалга оширилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Умуман олганда, 2007-08 йиллардаги глобал молиявий инқироз молия технологияларини кескин ривожланишига олиб келган бўлса, 2019 йилда дунёнинг турли мамлакатлари туфайли пандемия туфайли карантин чораларининг қўлланилиши уларнинг янада ривожланишига олиб келди. Жумладан, сунъий интеллектнинг фаоли қўлланилиши ҳам катта ҳажмдаги мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш зарурияти билан ривожланиб кетди.



1-расм. Халқаро Сунъий интеллект бозори ҳажми, млрд. долл.


**Манба:** Statista маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

1-расмда келтирилган Statista компанияси маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, 2021 йилдан бугунги кунга қадар сунъий интеллект бозори ҳажми ўсиш динамикасига эга. 2021-2023 йиллар давомида бозор ҳажми йиллик 46-49 фоиз доирасида ўсган. Шунингдек, Statista томонидан ушбу графикда 2024-2030 йиллар учун башорат ҳам берилган. Унга кўра сунъий интеллект бозори йиллик истиқболда 30-44%га ўсиши башорталанган.




2-расм. Халқаро чат-ботлар бозори ҳажми (2016, 2025), млрд.долл.

2-расмда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2016 йилда чат-ботлар бозори хажми 0,191 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, Statista компаниясининг башоратига кўра унинг хажми 2025 йилга келиб 1,25 млрд. долларни ташкил қилиниши таъкидламоқда. Бу эса 9 йил ичда 6,5 баробарга ўсишни ёки йиллик 72 фоизга ўсиб бориши башорат қилинмоқда.



**3-расм. 2018-2025 йилларда сунъий интеллект дастурий таъминоти бозоридаги даромадлар, млрд.долл.**

3-расмда келтирилган Exploding Topics компаниясининг маълумотларига кўра, 2018 йилда сунъий интеллект дастурий таъминоти бозоридаги даромадлар 10,1 млрд. АҚШ долларида 2023 йил якунига 70,94 млрд. АҚШ долларида, яъни 6 йил давомида 7 баробар ўсди. Бунда ўртача йиллик ўсиш 117 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда.



**4-расм. 2017-2024 йилларда сунъий интеллект қўлайдиган дунёдаги компанияларнинг улуши, фоизда**

Шу билан бирга, 3-расмда 2024-2025 йилларга сунъий интеллект дастурий таъминоти бозоридаги даромадлари башорати келтирилган. Унга кўра, 2024 йил якунига 94,41 млрд. АҚШ долларини, яъни ўтган йилга нисбатан йиллик 33 фоизга ўсиши кутилмоқда. Шунингдек, 2025 йилда эса шу динамикада ўсиб борса, яъни йиллик 33 фоизни ташкил қилса, ушбу кўрсаткич 126 млрд. АҚШ долларигача ўсиши башорат қилинмоқда.

4-расмда келтирилган McKinsey va Statista компания маълумотларига кўра, 2017-2024 йиллар давомида дунёдаги мавжуд компанияларнинг 20-58 фоиз қисми сунъий интеллектдан фойдаланади. Бунда энг кичик кўрсаткич 2017 йил 20 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда энг катта улушни ташкил қилган, яъни 58 фоизни.

Statista компаниясининг ўтказган сўровномасига асосан,

**2-жадвал**

**2024 йилда сунъий интеллект соҳасидаги лидер компаниялар**

Компания номи	Соҳаси	Бозор капитализацияси, трлн. АҚШ долл.
Microsoft Corp	Технология	3,19
Apple Inc	Технология	2,94
NVIDIA Corp	Технология	2,34
Alphabet Inc	Технология	2,2
Amazon.com Inc	Савдо	1,9
Meta Platforms Inc***	Технология	1,17
Qualcomm Inc	Технология	0,225
Alibaba Group Holding Ltd	Савдо	0,21
OpenAI LLC	Технология	0,08
Baidu Inc	Технология	0,04

2-жадвалда Globaldata томонидан берилган маълумотларга асосан, 2024 йилда дунёнинг энг йирик компаниялари айнан сунъий интеллект қўллайдиган компанияларига тўғри келмоқда. Уларнинг 40 млрд. АҚШ долларидан 3,19 трлн. АҚШ долларигача бозор капитализациясига эга эканлиги уларнинг фаолияти кўлами жуда кенглигини яна бир бор кўрсатмоқда. Шу билан бирга ушбу компанияларнинг акциялари доимий равишда молия бозорида юқори талабга эгалигича қолмоқда.

Multivu компаниясининг амалга оширган сўровномасига асосан, корхоналар томонидан нима сабабдан сунъий интеллект қўлланилишининг асосий сабаблари сифатида бу сунъий интеллект орқали кенг миқозлар кўламига онлайн хизмат кўрсатишга имкон мавжудлиги (45 фоиз), харажатларни пасайтириш ва асосий бизнес жараёнларни автоматлаштириш (42 фоиз), стандарт бизнес иловаларда сунъий интеллектни қўллаш зарурати (37 фоиз), рақобатбардошликни ошириш (31 фоиз), раҳбариятнинг талаби (26 фоиз) кўрсатганлар. Шу билан бирга, ушбу компанияларнинг 64 фоизи сунъий интеллект уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилишига ишонч билдирганлар. Шунингдек, Multivu томонидан амалга оширилган тадқиқот натижасида сунъий интеллектдан фойдаланиш ундан фойдаланмайдиганларга нисбатан 30 баробар харажатларни иқтисод қилишлари аниқланган.

Шунингдек, Forbes, Microsoft, IBM, Techopedia компанияларининг амалга оширган тадқиқотлари асосида сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда фонд бозоридаги ўзгаришларни башоратлашда 62 фоизлик аниқликда тўғрилиги аниқланган.



**5-расм. Сунъий интеллект қўллаётган турли соҳаларнинг бозор ҳажми, трлн. АҚШ долл.**

5-расмда келтирилган ExplodingTopics, Techopedia компанияларининг маълумотларига кўра, молия хизматлари бозори ҳажми 3,42 трлн. АҚШ долл.ни ташкил қилиб, 6-ўринни эгалламоқда. Шу билан бирга ушбу соҳа молия технологиялари, хусусан, сунъий интеллектни кенг жорий қилиш ҳисобига кейинги йилларда 1,15 трлн. АҚШ долларига, яъни яна 33фоизга ошиши башоратланмоқда.

Аммо, ExplodingTopics, IMF, Forbes, Statista, IBM, Financesonline, Techopedia амалга оширган тадқиқотларга асосан сунъий интеллект кенг қўлланилаётганлиги сабабли яна 400 млн. инсон иш жойидан айрилиши мумкин. Бу эса молия бозорида минаритар инвесторларнинг фаоллигини сусайишига ва капитал концентрациясини янада ошишига олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга ушбу тадқиқотлар доирасида ушбу компанияларнинг хар бештасидан бири сунъий интеллект билан ишлайдиган мутахассисларнинг етишмаслигидан шикоят қилади.

2022 йилда Lloyd's Register Foundation сўровига кўра, кўпчилик сунъий интеллект кейинги 20 йил ичида одамларга зарар етказишдан (32%) кўра (40%) кўпроқ ёрдам беришига ишонишади. Бу қараш, айниқса, ёшлар (15-29 ёш) орасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг 40 фоизи сунъий интеллект одамлар учун фойдали бўлишига ишонишади.

Эркаklar ўз қарашларида кўпроқ оптимистикдир: сунъий интеллект одамларга зарар етказишига ишонадиган аёлларнинг 32 фоизидан фарқли ўлароқ, 42% сунъий интеллект фойдали бўлишига ишонишади.

Бой одамлар сунъий интеллектнинг афзалликларига кўпроқ ишонишади: 43% АИ одамлар учун фойдали бўлишига ишонади, кам таъминланганларнинг 30% бу зарарли бўлишига ишонади.



**Хулоса ва таклифлар.**

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосалар олинди:

- сунъий интеллект бозори йиллик истиқболда 30-44%га ўсиши башорталанган.
- 2018 йилда сунъий интеллект дастурий таъминоти бозоридаги даромадлар 10,1 млрд. АҚШ долларидан 2023 йил якунига 70,94 млрд. АҚШ долларигача, яъни 6 йил давомида 7 баробар ўсди. Бунда ўртача йиллик ўсиш 117 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда.
- сунъий интеллектдан фойдаланиш ундан фойдаланмайдиганларга нисбатан 30 баробар харажатларни иқтисод қилишлари аниқланган
- 2017-2024 йиллар давомида дунёдаги мавжуд компанияларнинг 20-58 фоиз қисми сунъий интеллектдан фойдаланади. Бунда энг кичик кўрсаткич 2017 йил 20 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда энг катта улушни ташкил қилган, яъни 58 фоизни
- молия хизматлари бозори ҳажми 3,42 трлн. АҚШ долл.ни ташкил қилиб, 6-ўринни эгалламоқда. Шу билан бирга ушбу соҳа молия технологиялари, хусусан, сунъий интеллектни кенг жорий қилиш ҳисобига кейинги йилларда 1,15 трлн. АҚШ долларига, яъни яна 33фоизга ошиши башоратланмоқда.
- сунъий интеллект кенг қўлланилаётганлиги сабабли яна 400 млн. инсон иш жойидан айрилиши мумкин
- кўпчилик сунъий интеллект кейинги 20 йил ичида одамларга зарар етказишдан (32%) кўра (40%) кўпроқ ёрдам беришига ишонишади. Бу қараш, айниқса, ёшлар (15-29 ёш) орасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг 40 фоизи сунъий интеллект одамлар учун фойдали бўлишига ишонишади.

**Adabiyotlar/ Лумература/ Reference:**

Giudici P., Raffinetti E. (2023) *SAFE Artificial Intelligence in finance //Finance Research Letters.* – Т. 56. – С. 104088.

Goodell JW, Kumar S, Lim WM, Pattnaik D (2021) *Artificial intelligence and machine learning in finance: identifying foundations, themes, and research clusters from bibliometric analysis. J Behav Exp Finance* 32:100577.

Hornberger M., Bewersdorff A., Nerdel C. (2023) *What do university students know about Artificial Intelligence? Development and validation of an AI literacy test //Computers and Education: Artificial Intelligence.* – Т. 5. – С. 100165.

Long D., Magerko B. (2020) *What is AI literacy? Competencies and design considerations //Proceedings of the 2020 CHI conference on human factors in computing systems.* – С. 1-16.

McCarthy J. et al. (2007) *What is artificial intelligence.*

PARWANI R. (1984) *What is Artificial Intelligence? //“Success is no accident. It is hard work, perseverance, learning, studying, sacrifice and most of all, love of what you are doing or learning to do”.* – С. 388. – Т. 65.

Pratt I., Pratt I. (1994) *What is Artificial Intelligence? – Macmillan Education UK,* – С. 1-16.

Schank R.C. (1987) *What is AI, anyway? //AI magazine.* – Т. 8. – №. 4. – С. 59-59.

Sigrist F., Hirschall C. (2019) *Grabit: Gradient tree-boosted Tobit models for default prediction //Journal of Banking & Finance.* – Т. 102. – С. 177-192.

Weber P., Carl K. V., Hinz O. (2007) *Applications of explainable artificial intelligence in finance—a systematic review of finance, information systems, and computer science literature //Management Review Quarterly.* – 2024. – Т. 74. – №. 2. – С. 867-907.